

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ
ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ЭНГ МУҲИМ
САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ
АСОСИДА БАҲОЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024**

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш бўйича услубий қўлланма.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 25 б.

Мазкур услубий қўлланма маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш бўйича муҳим маслаҳатларни тўплаб, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларига ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Қўлланма давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичлари тизимини жорий этиш каби муҳим масалаларни қамраб олади.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2024 йил

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Кириш | 4 |
| Энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (кри) тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари..... | 5 |
| Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбар ва ходимлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни тартибга солиш | 7 |
| Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 13 |
| Самарадорлик кўрсаткичлари бажарилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш | 15 |
| Масъул давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жавобгарлиги..... | 18 |
| Иловалар..... | 19 |

КИРИШ

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи давомида ҳар бир давлат хизматчисининг фаолиятида самарадорлик ва натижадорлик бўлиши кераклигини алоҳида таъкидламоқда. Хусусан, давлат раҳбарининг *“Натижадорлик ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезонга айланмоқда”, “Амалий натижадорлик ва халқ манфаатларини рўёбга чиқариш ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлади”, “Ҳозирги кунда давлат фуқаролик хизматида 118 минг киши меҳнат қиляпти. Лекин, натижадорлик бўйича айтганда, ҳали давлат хизмати халқни рози қиладиган тизимга айлангани йўқ”* каби даъватлари шулар жумласидандир.

Давлат раҳбари томонидан белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва самарали шаклда таъминлаш мақсадида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари орқали баҳолаш тизими жорий этилмоқда.

Шу ўринда, Адлия вазирлиги томонидан маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбар ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётни шакллантириш, шунингдек, ушбу жараённи уларга содда ва тушунарли шаклда етказиш мақсадида **Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш бўйича услубий қўлланма** ишлаб чиқилди.

ЭНГ МУҲИМ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ (КРІ) ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

**Ўзбекистон Республикасининг “Давлат
фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни**



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
24.08.2021 йилдаги “Маҳаллий ижроия
ҳокимияти органлари раҳбарлари
ўринбосарларининг уларга юкланган
вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини
кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги ПҚ–5230-сон қарори**



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
13.03.2024 йилдаги “Республика ва маҳаллий
ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда
хўжалик бирлашмалари фаолияти
самарадорлигини баҳолаш тизимини
такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПФ–49-сон Фармони**



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 31.07.2024 йилдаги
“Республика ва маҳаллий ижро этувчи
ҳокимият органлари ҳамда хўжалик
бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг
ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим
самарадорлик кўрсаткичлари асосида
баҳолашни ташкил этиш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги 463-сон қарори**



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 28.08.2021 йилдаги
“Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари
раҳбарлари ўринбосарларининг функционал
вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим
самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги
намунавий низомларни тасдиқлаш
ҳақида”ги 548-сон қарори**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш
агентлиги директорининг “Давлат фуқаролик
хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини
энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш
услугиятини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи**



МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ РАҲБАР ВА ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЭНГ МУҲИМ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ


“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни 2022 йил 8 августда қабул қилиниб, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Ушбу Қонуннинг **36-моддасига асосан** давлат фуқаролик хизматчисини рағбатлантириш ҳамда холисона ва адолатли мезонлар асосида хизматда лавозим бўйича кўтарилишини таъминлаш учун унинг **фаолияти самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш тизими** жорий этилади.

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубияти махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Давлат органи давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш услубиятига мувофиқ фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз ички тартибини белгилайди.



Давлат Раҳбарининг 2024 йил 13 мартдаги “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–49-сон Фармони билан қуйидаги **янги тартиб** жорий этилди.

Янги тартибга кўра, ҳудудлар кесимидаги чора-тадбирлар дастури асосида ишлаб чиқиладиган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар **Кенгаши Раиси ўринбосарларининг**, вилоятлар ва Тошкент шаҳри **ҳокимлари ўринбосарлари** фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари Ҳукумат томонидан ва уларга эришиш бўйича **“йўл хариталари”** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Ҳукумат тасдиқлайдиган маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари асосида **туман (шаҳар) ҳокимлари ўринбосарлари** фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан ҳамда уларга эришиш бўйича **ойлик иш режалари** туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

»»» Бунда, **самарадорлик кўрсаткичлари** Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқларида белгиланган кўрсаткичлардан **паст бўлмаган даражада чораклар кесимида** белгиланади.

Бундан мақсад – “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш доирасида 2024 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга ўз вақтида, тўлақонли ва сифатли эришилишини таъминлаш, республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари

ва уларнинг ўринбосарларининг бу борадаги масъулияти ва шахсий жавобгарлигини ошириш ҳамда фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштиришдир.

Эслатма! Мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматида фаолият самарадорлигини баҳолашга оид дастлабки ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ–5843-сон “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳисобланади.



AGENCY FOR THE DEVELOPMENT
OF PUBLIC SERVICE
UNDER THE PRESIDENT OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги **Давлат хизматини
ривожлантириш агентлиги** давлат
фуқаролик хизматчилари фаолияти

самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичлари тизимини жорий этиш бўйича **ваколатли орган** ҳисобланади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз ваколати доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида фойдаланиладиган ўлчанадиган индикаторлар (энг муҳим кўрсаткичлар) ишлаб чиқишлигини таъминлайди;

ўлчанадиган индикаторлар (энг муҳим кўрсаткичлар)ни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик қилади ва услубий ёрдам кўрсатади;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигининг ўлчанадиган индикаторлари (энг муҳим кўрсаткичлар) кўрсатган натижалар таҳлилининг холислиги ва ҳаққонийлигини назорат қилади;

| | |
|--|---|
| | давлат фуқаролик хизматчилари кўрсатган ўлчанадиган индикаторлар (энг муҳим кўрсаткичлар) натижаларини таҳлил қилади; |
| | давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятдан қониқиш даражасини баҳолашнинг замонавий услубларидан фойдаланади, шу жумладан жамоатчилик фикрини ўрганади, статистика ва ижтимоий тадқиқотларни таҳлил қилади; |
| | давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантиради. |

»»» Самарадорлик кўрсаткичларига ўз вақтида ва сифатли эришилишини таъминлаш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш тизимини **рақамлаштириш мақсадида:**

✔ самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумот ҳар чорақда Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг **“samaradorlik.uz” электрон платформасига** киритилади ҳамда унда раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлиги рейтинги шаклланади;

✔ самарадорлик кўрсаткичлари бажарилганлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ташкилотлар ёки Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари томонидан тасдиқланади, бундан натижаси автоматик тарзда шакллантириладиган самарадорлик кўрсаткичлари мустасно;

✔ ҳар бир самарадорлик кўрсаткичига белгиланадиган салмоқ ўлчови йиғиндисидан келиб чиқиб, самарадорлик кўрсаткичлари улар бажарилиши даражасига қараб қуйидагича баҳоланади:

- ◆ 70 % дан кам бўлганда — **“қониқарсиз”**,

- ◆ 70 % дан 85 % гача — “қониқарли”,
- ◆ 85 % дан 100 % гача — “яхши”,
- ◆ 100 % ва ундан юқори – “аъло”.

»»» Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумот платформага ўз вақтида ва сифатли киритилиши ҳамда тасдиқланишини танланма тартибда **мониторинг** қилади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда платформада шакллантирилган самарадорлик кўрсаткичлари **бирламчи манба** ҳисобланади.



Қорақалпоғистон Республикаси **Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига** — ўзларининг ўринбосарлари учун самарадорлик кўрсаткичлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши, уларга эришилишини таъминлаш, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарлари учун самарадорлик кўрсаткичларини тасдиқлаш юзасидан **шахсий масъулият** юкланган.

Давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан **рағбатлантириш чораларини қўллаш** тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида ой, чорак, ярим йил, йил якунлари бўйича фаолиятнинг **энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини** бажарганлик ва ошириб бажарганлик, ўта муҳим вазифаларни бажарганлик, зиммасига юклатилган вазифанинг мураккаблиги ва муҳимлиги, шунингдек унинг фаолиятида эришилган юқори натижалар эътиборга олинади.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддаси

Самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилишида раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш учун:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини рағбатлантириш тўловлари миқдори уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб белгиланади

чорак якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари "қониқарсиз" деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига рағбатлантириш тўловлари келгуси уч ой учун тўхтатилади ва уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш масаласи кўриб чиқилади, бундан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида самарадорлик кўрсаткичлари асослантилган сабабларга кўра бажарилмаганлиги тасдиқланган ҳоллар мустасно

йил якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари "қониқарсиз" деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига нисбатан уларнинг эгаллаб турган лавозимида лойиқлиги масаласи кўриб чиқилади

БАҲОЛАНУВЧИ РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАСДИҚЛАШ

»»» Қорақалпоғистон Республикаси **Вазирлар Кенгаши Раиси**, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **ҳоқимлари ўринбосарларининг** келгуси йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини шакллантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳоқимликлари, тегишли давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан **самарадорлик кўрсаткичлари рўйхати асосида** қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ҳамда тасдиқланган асосий вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб маълумотлар тайёрланади.


»»» Тайёрланган маълумотлар **ҳар йили 1 декабрга қадар** Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига киритилади.

Энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун тақдим этиладиган **маълумотлар рўйхати** билан танишиш учун қуйидаги **QR-кодни** сканерланг.



»»» **Кейинги йилнинг 1 январига қадар** – Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:

✓ тақдим қилинган маълумотларни умумлаштириш асосида ҳар бир раҳбар ўринбосари кесимида самарадорлик кўрсаткичларини пухта қайта ишлайди;



✓ самарадорлик кўрсаткичларини тасдиқлаш бўйича **ҳужжат лойиҳасини** вазирлик ва идоралар билан белгиланган тартибда **келишади**;

✓ келишилган ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига **тасдиқлаш учун** киритади.

»»» **Ҳар йили 5 январга қадар** – Вазирлар Маҳкамасининг **Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибияти**:

✓ Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда лойиҳани тегишли давлат дастурлари, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш дастурлари, республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциялари ва стратегияларида белгиланган **асосий мақсад ва вазифаларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан** ўрганади ҳамда билдирилган қўшимча таклиф ва хулосалар асосида **пухта қайта ишлайди**.

»»» **Ҳар йили 10 январга қадар** – Вазирлар Маҳкамаси **аппаратининг таркибий бўлинмалари**:

✓ лойиҳани тегишли раҳбар ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичларига оид қисми бўйича **Бош вазир ўринбосари ёки маслаҳатчиси билан келишади**;



✓ умумлаштириш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибиятига тақдим этади.

»»» Лойиҳа **ҳар йили 15 январга қадар** Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжати билан тасдиқланади.

! Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш схемалари билан Қўлланманинг “Иловалар” бўлимида танишиш мумкин.

САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ БАЖАРИЛИШINI МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

»»» Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

✓ ҳар бир раҳбар ўринбосари бўйича тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичларини амалда жорий этилганлиги ҳамда бажарилиши юзасидан **тизимли мониторинг** олиб боради ҳамда унинг натижаларини **танқидий таҳлил** қилиб боради;

✓ зарур ҳолларда бошқа давлат органлари, шу жумладан, Статистика агентлиги органларидан ҳар бир раҳбар ўринбосари бўйича тасдиқланган кўрсаткичларни амалда жорий этилганлиги юзасидан **расмий статистик ва идоравий маълумотларни** сўраб олади.

Статистика агентлиги органлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **сўровига асосан** уларни тегишли **статистик маълумотлар билан** таъминлайди.

»»» **Кейинги ойнинг 10 санасига қадар** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишлича **Ахборот таҳлил бошқармаси** ҳамда **ахборот-таҳлил гуруҳлари:**

✓ объектив ва тасдиқланадиган маълумотлар, жумладан давлат органлари ва ташкилотларининг расмий статистик ва бошқа маълумотлар, жойига чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар натижалари асосида **ҳар чорак якуни бўйича** раҳбар ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши натижаларини умумлаштиради.

»»» Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари

✓ **ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10 санасидан кечиктирмасдан** ҳисобот даври якуни бўйича раҳбар ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилишининг якуний натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси

ҳамда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳар бир раҳбар ўринбосарига шахсий баҳо бериш учун киритади.

Киритилган якуний натижалар маҳаллий Кенгашларнинг мажлисида **ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15 санасига қадар** кўриб чиқилади.

»»» Тақдим қилинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари томонидан **ўрганишлар** ўтказилиши мумкин.

Ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши натижаларини баҳолаш, тегишли ўринбосарнинг самарадорлик кўрсаткичларининг ҳар бири учун олинган фоизларни қўшиш йўли билан ўртача арифметик кўрсаткичлари орқали ҳисоблаб чиқариладиган ҳамда қуйидаги формулага асосан аниқланадиган **умумий самарадорлик кўрсаткичи (УСК)** орқали амалга оширилади:

$$\text{УСК} = (\text{СК}_1 + \text{СК}_2 + \dots + \text{СК}_n) / N$$

Бунда, СК – самарадорлик кўрсаткичлари;

N – самарадорлик кўрсаткичлари сони.

»»» **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:**

✓ ҳар чорак якуни бўйича **кейинги ойнинг 15 санасидан кечиктирмасдан** ҳар бир раҳбар ўринбосари бўйича берилган баҳо натижалари бўйича **умумлаштирилган маълумотлар**, шу жумладан тегишли ўринбосарлар масъулияти юзасидан **таклифлар** ҳамда бошқа **таҳлилий материалларни** Вазирлар Маҳкамасига киритади.



Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 20 санасига қадар:

**Ўзбекистон
Республикаси
Бош вазирининг
биринчи
ўринбосари, Бош
вазир
ўринбосарлари ва
маслаҳатчилари
ҳамда Вазирлар
Маҳкамаси
аппаратининг
масъул таркибий
бўлинмалари
билан биргаликда**

тақдим этилган таҳлилий материалларни тегишли раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида танқидий муҳокама қилади

ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига берилган шахсий баҳони муҳокама қилади

раҳбар ўринбосарларини рағбатлантириш ёки ўзига бириктирилган йўналишларда самарадорлик кўрсаткичларига эришишда масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбар ўринбосарларининг лавозимига лойиқлиги масаласини кўриб чиқади

бу тўғрисида аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот беради.

»»» Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 25 санасига қадар – Вазирлар Маҳкамаси:

- ◆ тегишли раҳбар ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида Вазирлар Маҳкамаси **Раёсати мажлисини** ўтказди;
- ◆ тегишли раҳбар ва уларнинг ўринбосарларини **рағбатлантиради** ёки **интизомий таъсир чоралари** кўради.

Ҳар чорак якуни бўйича **кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмасдан** раҳбар ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш якунлари юзасидан умумлаштирилган **таҳлилий материаллар**, шунингдек, бириктирилган йўналишларда самарадорлик кўрсаткичларига эришишда масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбар ўринбосарларининг **лавозимига лойиқлиги масаласини** кўриб чиқиш бўйича **таклифлар** Президент Администрациясига юборилади.

МАСЪУЛ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Муайян йўналишларга шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланадиган мансабдор шахслар:

**Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар
Кенгаши Раиси,
вилоятлар ва Тошкент
шаҳар ҳамда туман
(шаҳар) ҳокимлари
Маҳаллий ижро этувчи
ҳокимият
органларининг
раҳбарлари
ўринбосарлари**

Масъул

**Масъул давлат
органларининг ҳудудий
бошқармалари**

**Тегишлича Ахборот-
таҳлил бошқармаси
ҳамда ахборот-таҳлил
гуруҳлари**

ўзлари масъул бўлган тармоқ ва соҳалар бўйича ўринбосарлари кесимида самарадорлик кўрсаткичларига эришилиши ҳамда маълумотларни тўғри ва ўз вақтида платформага киритилишини таъминлашга

ўзларининг самарадорлик кўрсаткичларини сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқишга ҳамда уларга эришишга

самарадорлик кўрсаткичларини ўз вақтида тасдиқлаш ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга

самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотларини ўз вақтида киритишга ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишига ҳамда уларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумот ўз вақтида платформага киритилишига

ИЛОВАЛАР

1-илова

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳоқимлари ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш Схемаси

| Босқичлар | Масъуллар | Тадбирлар | Муддатлар |
|-----------|--|--|-------------------|
| 1-босқич | Баҳоланувчи раҳбар – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳоқимлари ўринбосарлари | Республика ижро этувчи ҳоқимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда ҳудудлар кесимидаги чора-тадбирлар дастури асосида ўз фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади. | 25 январга қадар |
| 2-босқич | Вазирлар Маҳкамаси | Самарадорлик кўрсаткичларини кўриб чиқиб, тасдиқлайди. | 15 февралга қадар |
| 3-босқич | Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиаллари | Тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичларини “Samaradorlik.uz” электрон платформасига киритади. | 25 февралга қадар |

| | | | |
|----------|--------------------|--|-------------------|
| 4-босқич | Баҳоланувчи раҳбар | Тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига киритади. | 25 февралга қадар |
|----------|--------------------|--|-------------------|

| | | | |
|----------|---|--|----------------|
| 5-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари | Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича "йўл хариталари"ни кўриб чиқиб, платформа орқали тасдиқлайди. | 1 мартга қадар |
|----------|---|--|----------------|

| | | | |
|----------|--------------------|--|----------------|
| 6-босқич | Баҳоланувчи раҳбар | Самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича тасдиқланган "йўл хариталари"ни платформага киритади. | 5 мартга қадар |
|----------|--------------------|--|----------------|

| | | | |
|----------|--------------------|--|---|
| 7-босқич | Баҳоланувчи раҳбар | Самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни платформага киритади, бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар автоматик | Ҳисобот давридан кейинги ойнанинг 20-санасига қадар |
|----------|--------------------|--|---|

| | | | |
|------------------------|--|--|---|
| | | <p>тарзда шакллантириладиган самарадорлик кўрсаткичлари бундан мустансно.</p> | |
| <p>8-босқич</p> | <p>Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган давлат органлари ёки Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари</p> | <p>Платформага киритилган самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайди.</p> <p>Платформада баҳоланувчи раҳбар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари рейтинги шакллантиради.</p> | <p>Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 30- санасига қадар</p> <p>30- санасида</p> |

Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш Схемаси

| | | | |
|--------------|--|--|-------------------------|
| 1- босқич | Давлат органларининг ҳудудий бошқармалари | Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичларидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича таклифларни тегишли баҳоланувчи раҳбарларга киритади. | 5 февралга қадар |
| 2- босқич | Баҳоланувчи раҳбар | Намунавий шаклга мувофиқ туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиб, Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиаллари билан келишади. | 18 февралга қадар |
| 3- босқич | Баҳоланувчи раҳбар | Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиаллари билан келишилган туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари фаолиятининг самарадорлик | 20 февралга қадар |

| | | | |
|--------------|--|---|---|
| | | <p>кўрсаткичларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига киритади.</p> | |
| 4- босқич | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари</p> | <p>Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини кўриб чиқиб, тасдиқлайди.</p> | <p>25 февралга қадар</p> |
| 5- босқич | <p>Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари</p> | <p>Тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари платформага киритади.</p> | <p>1 мартга қадар</p> |
| 6- босқич | <p>Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиаллари</p> | <p>Платформага киритилган самарадорлик кўрсаткичларини тасдиқлайди.</p> | <p>10 мартга қадар</p> |
| 7- босқич | <p>Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари</p> | <p>Ўз фаолиятларининг тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича иш режаларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун тегишли туман (шаҳар) ҳокимига юборади.</p> | <p>Ҳар ойнинг 1- санасига қадар</p> |

| | | | |
|---------------|--|--|--|
| 8- босқич | Туман (шаҳар) ҳокими | Ўзининг ўринбосарлари фаолиятининг иш режаларини кўриб чиқади, эътирози бўлган тақдирда, туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари билан қайта ишлаб тасдиқлайди. | Ҳар ойнинг 5- санасига қадар |
| 9- босқич | Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари | Иш режалари ижроси бўйича маълумотлар, шу жумладан, ҳисоботлар ва асословчи ҳужжатлар платформага киритади. | Ҳисобот ойининг яқуни билан кейинги ойнинг 1- санасига қадар |
| 10- босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг котибият мудирлари | Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари томонидан «иш режалар» ижроси бўйича платформага киритилган маълумотларни тасдиқлайди. Платформада туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлари иш режаларининг ижросини баҳолаш натижаларини шакллантиради. | Ҳисобот ойининг яқуни билан кейинги ойнинг 5- санасига қадар 5- санасида |

| | | | |
|-----------------------|--|---|--|
| <p>11- босқич</p> | <p>Вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари</p> | <p>Самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни платформага киритади, бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда шакллантириладиган самарадорлик кўрсаткичлари бундан мустасно.</p> | <p>Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасига қадар</p> |
|-----------------------|--|---|--|

| | | | |
|-----------------------|--|---|---|
| <p>12- босқич</p> | <p>Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган давлат органлари ёки Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари</p> | <p>Платформага киритилган самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайди.</p> <p>Платформада туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари рейтингини шакллантиради.</p> | <p>Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 30-санасига қадар</p> <p>30-санасида</p> |
|-----------------------|--|---|---|